

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 4 829,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг январь-марти билан таққослаганда 104,5 фоизга ўсди.

ЯХМ дефлятор индекси 2020 йил январь-мартидаги нархларга нисбатан 114,2 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯХМнинг шаклланишида Қорақалпоғистон Республикасининг қўшган ҳиссаси 3,8 фоизга етди.


Январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		Ўсиш сўр'атлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда
	2020 йил	2021 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	4 043,8	4 829,0	104,5
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3 705,9	4 279,1	104,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	337,9	549,9	105,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3 705,9	4 279,1	104,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	479,0	548,6	102,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 653,8	1 984,7	107,8
саноат	1 304,4	1 609,7	109,4
қурилиш	349,4	375,0	101,6
Хизматлар	1 573,1	1 745,8	101,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	232,7	265,6	102,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	295,7	299,4	93,9
бошқа хизматлар	1 044,7	1 180,8	103,4

Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 507,8 минг сўмни ташкил этиб ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 фоизни ташкил этди.



Январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган
ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 88,6 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 11,4 фоизини ташкил этди.


Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 12,8 % ни, саноат тармоғи 37,6 % ни, қурилиш 8,8 % ни ва хизматлар тармоғи 40,8 % ни ташкил қилди.

Январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий
маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида


	2020 йил	2021 йил
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
 Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	91,6	88,6
 Маҳсулотларга соф солиқлар	8,4	11,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	12,9	12,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)		
 саноат	35,2	37,6
 қурилиш	9,4	8,8
Хизматлар	42,5	40,8
 савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6,3	6,2
 ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	8,0	7,0
 бошқа хизматлар	28,2	27,6

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

2020 йил январь-март




2021 йил январь-март



ЯҲМнинг ўсиши Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётнинг асосий тармоқлардаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,9 фоизни (ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 12,8 %), саноатда 109,4 фоизни (37,6 %), қурилишда 101,6 фоизни (8,8 %) ва хизматлар соҳасида 101,4 % ни (40,8 %) ташкил этди. Хизматлар соҳаси таркибида ўсиш суръатлари савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 102,1 фоизни (6,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 93,9 фоизни (7,0 %), бошқа хизмат тармоқларида 103,4 фоизни (27,6 %) ташкил этди.



Январь-март ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлоқ ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)




2021-йил январь-мартда ЯХМ дефлятор индекси 2020 йил январь-мартдаги нархларга нисбатан 114,2 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноатда – 112,8 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 111,3 % қайд этилди.



Январь-март ойларида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



Қишлоқ, ўрмон ва
балиқчилик хўжалиги



■ 2020- йил ■ 2021- йил



Январь-март ойларида ЯХМда кичик бизнеснинг улуши
(жамига нисбатан % да)



2020- йил

42,2 %

2021- йил

41,2 %

2021- йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 41,2 % ни ташкил қилди (2020- йил январь-мартда – 42,2 %).

ЯХМнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши пасайиши йirik корхоналар улушининг камайиши ушиби билан изоҳланади.